



Ўзбекистон

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию» номи билан асос солинган

ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Нархи: 7 сўм.
1993 йил 22 январь, жума № 15-16 (21.370)

ПРЕЗИДЕНТ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ЎТ ОЧДИ...

Ислом КАРИМОВ:

Жиноятчиликнинг авж олаётганлиги халқимизни катта ташвишга соляпти. Шунинг учун ҳозир Ўзбекистоннинг бу иллатга қарши кураш дастури устида ишляпмиз. Одам ўлдириш, талон-торож қилиш, ўғрилик, порахўрлик, чайқовчиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш чораларини кўрамиз. Бунинг учун аввало қатъий интизом талаб этилади.

Халқ очликка, ночорликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин. Лекин, билиб қўйинглар, адолатсизликка чидамайди!



ОСОЙИШТАЛИК БАРҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3000 нафардан зиёд меҳнат жамоаси махсус бригаданинг уюшган жиноятчиликка қарши олиб бораётган фаолиятини қизғин қўллаб-қувватлайди. Қисқа вақт ичида олиб борилаётган ишларнинг

натижаси яққол сезилиб қолди. Шаҳарда осойишталик барқарор.

Сизга битмас-туганмас куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик тилаб қоламиз.

АНДИЖОН ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ.

ҚОНУН ОЛДИДА ҲАММА БАРОБАР

Жамиятда инсонлар тинчлиги ва осойишталиги, ҳақ ва ҳуқуқлари таъминланмас экан, бу жамиятни парокандалик қамраб олади. Одамлар ҳар ким ўзига ҳош, ўзига бек деган ақидани дўппи қилиб қийиб олган, ҳаммаси кеч. Давлатчилик тарихидан маълумки, ҳар қандай жиноят ортда жазо бор. Соҳибқирон Темур тузуқлари ҳам бундан ёрқин далолат беради.

Бугунги турмушнинг ўткинчи алғов-далғов кунлари баъзан нотўғри ҳулосалар қилишимизга сабаб ҳам бўляпти. Шу боис бўлса керак таҳририятимиз почтасига келётган хатларнинг жуда кўпчилигида ҳақиқат, наҳот истаб мурожаат қилишяпти, юртдошларимиз. Ахир, «қилмиш-қидирмиш», «қинғир иш-

нинг қийғи» каби ибратли мақолларимиз қайда қоляпти! Нега фақат ҳокимиятлар қабулқонесига одамлар ўз ҳақларини сўраб йиғиладиган бўлдилар! Ахир бошқа идоралар, ҳуқуқ-тартибот органлари нега бу каби ҳодисаларни бартараф эта олмаётдилар! Маҳаллалар аҳли, оқсоқолларнинг кескир ва ҳаммага тенг маъқул келгучи панду йўриқлари нега жангилмай қўйди! Аммо не бўлмасин, ҳар биримиз ўз виждон-эътиқодимиз олдида масъулмиз-ку, ахир.

Ҳуллас, қайдеки адолат бўлмас экан, у жойда халқнинг тинч яшаш ва меҳнат қилишига кафолат йўқ. Бешинчи саждадаги хатлар ана шулар ҳақида.

Президент Минскка жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 21 январь кунини Тошкентдан Минскка жўнаб кетди. У Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини бошқиларнинг 22 январда Беларусь пойтахтида очилмаган уч-

рашувида қатнашди. Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Иўлдошев кузатиб қолди.

(ҒА).

Жиноятчиликнинг пайи қирқилади

Ўзбекистон Президентини Ислом Каримовнинг шахсан топшириғига биноан республикада жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланди. Бир қанча вилоятларда уюшган жиноятчиларга дастлабки зарбалар берилди. Бу тадбир шиддатли, изчил олиб борилади. Маълумки, прокуратура қонуinchилигини, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни баъсанда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа давлат маҳкамаларининг кучларини бирлаштирувчи ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идора хисобланади. Ҳўш, эл-юрт осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши бошланган аёвсиз курашда прокуратура идораларининг вазифалари нимадан иборат! Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ф. Ҳ. РАҲИМОВ билан суҳбатимизда бу асосий мавзунини ташқил қилди.

Фахри Ҳайдарович! жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда барча идора ва ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги зарурки, бу бордада жумҳурият прокуратураси нима ишлар қилаётган?

— Сир эмас, республиканинг айрим минтақаларида жиноятчилик ўсиб ўғрилди, талончилик, босқинчилик, давлат мулкнинг талон-торож қилини, айниқса, кенг тарқалди. Бу жиноятлар кўп ҳолларда қотиллик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, зўрлаб номуста тегиш, ашадий безорилик каби жиноятларга туртки бўлмақда. Уюшган жиноятчиликнинг авж олаётганлиги алоҳида ташвиш тудирмоқда.

Маъжуд иқтисодий қийинчиликлар, мулкчилик янги турларнинг вужудга келиши, жамият ҳаётининг кўп жаҳалларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг замон талабларига янаво бермаслиги шароитида жиноятчилар бирлашмоқдалар. Яна пайтада маълум жиний мафкурага асосланган, белгиланган тизимга эга уюшган жиний жамоалар вужудга келмоқда. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов бошчилигидаги делегация 20 январь кунини Хиндистондан қайтиб келди.

Ўзбекистон ХДП делегацияси Хиндистон Республикаси Бош вазири, Хиндистон Миллий конгресси (И) партияси Раиси Нарасимха Рао тақлифига биноан бу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

Оқсоқоллар қалби қаримас

Паҳлавон келбатли бу уч отахоннинг нуруний чеҳраларига назар ташлап Гарчи йиллар шамоли оқсоқолларнинг ташқи кўринишларига таъсир этган бўлса-да, улар қалбдаги тўғ, алаҳа ҳауз ловуллаб турибди. Ҳақиқий янгу бадавлат отахонлар, деб шуларни айта бўлади. Юзларигаги никор, босиб ўтилган йўлдан ифтихор уларнинг ёниқ ишқларидан шундоқ акс этиб турибди.

Бу оқсоқоллар Жиззах вилоятининг Зомин районидан олдинги пайтлардаги 50 йил муқаддам навқирон, кучга тўлган йигит эдилар. Уша кезларда колхозга рақслик қилиб, ўз жамоалари аҳлининг тўғ ва фаровон ҳаёт кечиринлари учун тинчи билнимасди. Ногоҳон Улуғ Ватан уруши бошланди. Шунда улар ҳам кўп қатори кўпгайли бўлиб Ватан ҳимосига отланишди. Кетмов ва ўроқ тушлаган қўлларга курул тузқазди. Ҳўлонлар фашистларга қирон келтириб, қадрдон қишлоқларига галаба билан қайтишди.

Урушдан қайтган, яна ишга киришиб кетдик. Ҳа лол меҳнат қилдик. Самараси чакки бўлмади. Мана, шир-бадавлатимиз. Биз тенгдошлар тез-тез учрашиб тураримиз. Ешлар билан суҳбатлар қураимиз. Уларга ўз ҳаёт йўлимиз ҳақида ҳикоя

ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МЕНИНГ КОНКУРСИГА



қиламиз. Ҳозирги давримизнинг ҳар бир кунини қадрлашга ундаймиз. Меҳнат қилган киши ҳеч қачон хор бўлмаслигини уқтираман, — дейди 82 баҳорини қаршилаган Эрғаш ота Абдурахимов. Отахонлар яқинда яна учрашди. Жамоатчи муҳбириниз Владимир Панов уларни суратга тушириб қайтди. У суратга ўнча тик қилиб турди-да. «Оқсоқоллар қалби қаримас» деб қўйди.

СУРАТДА: (чапдан) Эрғаш Абдурахимов, Шерма Абдуллаев ва Эшонқул Жўраев.

• Мустақиллик сабоқлари • ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДАН

Норбек ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири.

МАМЛАКАТИМИЗ иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Мазкур тармоқда республикамиз миллий даромадининг қарийб 45 фоизи яратилади, аҳолининг 60 фоиздан ошмиқроғи қишлоқда яшайди. 1992 йилги табиат инжиқликларига қарамастан Президентимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги изчил сиёсатлари ва деҳқонларимизнинг ижтимоий ҳимоялаш борасидаги сەй-ҳаракатлари натижасида қишлоқ меҳнатқиларини кўтаринки руҳда меҳ-

нат қилиб 2,4 миллион тонна галла, 4,1 миллион тонна пахта, 3,4 миллион тонна сазбавот, 874 минг тонна полза, 361 минг тонна картошка, 436 минг тонна узум, 665 минг тонна ҳўл мева ишлаб чиқарилиди, 227 минг тонна гўшт, 845 минг тонна сўт, 858 миллион дона тухум ва бошқа қўлбал маҳсулотлар сотилди. Жами олинмаган соф фойда 20 миллиард сўмни ташқил этиши кутилмоқда. Шунинг учун биргаликда таҳлилларимиз шунини кўрсатмоқдаки, ҳали

қилмаган ишларимиз анчагина, қишлоқ иқтисодий буг-бутун соҳага айлантириш, унга ўзининг асл қадар қимматини қайтармоқ учун, уни ҳозирги ҳолатидан олиб чиқмоқ учун хўжалик ҳаётида жуда кўпроқ ўзгариш қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мулкчиликнинг шаклларини ўзгартриш ва қишлоқда бозор муносабатларини таркиб топтириш бугунги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида» қарори қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилиш, мулкчиликнинг шаклини ўзгартришга қаратилган республикамиз ҳаётини дағи катта воқеадир. (Давомин иккинчи бетда).

(Давомин бешинчи бетда).

БУГУН ҒАЛЛАОРОЛ РАЙОНИ—«ОСИЁ БОЗОРИ» МЕҲМОНИ

ҒАЛЛАОРОЛ МУСТАҚИЛДЕК ДОВОНИДА



МАЪЛУМОТНОМА

Ғаллаорол райони Жиззах вилоятидаги ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва тоғ металлургия санаяти ривожланган яirik районлардан биридир.

Бат чоғида қариялар Йўлдон отага мурожаат қилишиб район номи билан боғлиқ чалкашликни ҳал қилиб беришни сўрашган.

МАРЖОНБУЛОҚ ОЛТИНИ

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти пиллапояларидан ҳадам ташламоқда. Бизнинг Маржонбулоқ олтин қонимиз жамоаси ҳам бундан мустасно эмас.



Ҳақиқат Маржонбулоқ шахар ҳоқими тайинланди. Ҳоқим Т. Т. Рабимов қонимиз раҳбарияти билан биргаликда Шароф отанинг назари тушган юртин боғу бўстонга айлантириш учун келгусидаги режаларни келишиб олди.

ИСТИҚЛОЛ ТУЙҒУСИ БИЛАН

Турғунбой УМРЗОҚОВ, район ҳоқими:



Фабрикасида янги цехлар очилади. Сарибозордан ўтадиган Катта Ўзбек тракети ёқасида замонавий меҳмонхона, автостанция, миллий услубда ҳаммом қурилади.

Дастлабки қадам сифатида район ҳоқимлигида махсус «Меҳр-шафқат жамғармаси» ташкил этилди. Ҳозирда ушбу жамғарма ҳисобида 800 миң сўм маблағ бор.

1993 йилда ерларни хусусийлаштириш отарлар ва фермаларни ижарага олишига қатъий эътибор берилди. Районимизда янги йилда барча ҳўжалиқларда молчилик фермалари, бригадалар, қўйчилик отарлари ва паррандачилик, шунингдек, тегириқчилар, мойчиҳоюлар боғлар, сабабот ва полив майдонлари 100 фоииз ижарага ҳақида шахсий мулк қилиб берилди.

Бошқа тармоқларда ҳам хусусийлаштириш, жамоа қилиб бериш бу йил яхши йўлга қўйилди. 1992 йил маҳаллий саноат қўшмактари, машиин хизмат бошқармасининг 10 та хизмат нуқтаи хусусий қилиб берилди.

Районда давлат уйлари хусусийлаштириш борасида ўтган йили қатор тадбирлар амалга оширилди. 337 нафар уруш қатнашчиларига, 45 нафар болалар боғчалари ходимларига, 84 нафар шифокорлар ва ижодкор ходимларга, 32 нафар I—II гуруҳпа ногиронларига ва 8 нафар Чернобыль қатнашчиларига улар яшайётган давлат уйлари бепул хусусийлаштирилди.

Қадрлар ишлаб чиқаришнинг юраги. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ошириш кўп жиҳатдан ишбилармон, ўз соҳасини яхши биладиган кадрларга боғлиқ эканлиги сир эмас. Биргина мисол: Маржонбулоқ тиквун-трикотаж фабрикасида ишлаб чиқариш йиллик ва ойлик режалари доимий равишда адо этилмай келарди. Камчиликларни кўрсатиш, йил неча бор оғоқлантирилди, камчиликларни кўрсатиш, йил неча бор оғоқлантирилди.

Албатта, 1993 йилда кичик корхоналар, деҳқон хўжалиқлари ишнини янада ривожлантиришга, янги очилган завод ва цехларни тақомиллаштиришга, иқтисод даражасида чет эллар билан ҳамкорлик қилишга, хуллас, иқтисоди-мизни яхшилашга имкон берадиган барча омиллардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Зеро, даврийнги ўзи, Мустиқил республикамиз таянла олган йўл шунини тақозо қилмоқда.


Акрам ҚОРАЕВ,

АМИР ТЕМУР НОМИ ХўЖАЛИГИ РАҳБАРИ

«Ўзбекистоннинг истиқболи ва ўз тараққиёт йўли» китобини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Доно фикрлар айтилган, айниқса унда истиқлолнинг муқтаҳамлашда маҳаллий раҳбарларнинг ўрни ҳақида гап борди ва

худди шу биз учун дастуруламал. Хўжалигимиз йилни барча кўрсаткичларини бажариш билан якунлади. Насиб этга 1993 йилдан ҳам умидимиз қатта...

КЕЛАЖАҚДАН УМИД КАТТА



«ЗАРБУЛОҚ»-ҚАЙНАРБУЛОҚ

БУГУН шундай даврки, ишнинг қўзини билган, тадбиркорлик қилган кишининг чўнтағига барака қиради, илгини тўқ, эртасдан ташвишланмайдиган бўлади.

Бизнинг хўжалигимиз асосан ғаллачилик ва боғдорчиликка иктисослашган. Ўтган 1992 йилда «Зарбулоқ» давлат хўжалиги давлатта 1178 тонна буғдой боғи режани 589 фоиизга бажарди.

Бугунги кун талаби тадбиркорлик, ишбилармонлик бўлиб қолди. Иқтисодиётимизнинг юксалишида тадбиркорликни ривожлантиришнинг роли катта эканлиги тобора аён бўлиб борапти.

Бугунги иқтисодиётимиз оғир бўлиб турган бир паллада меҳнатқиларимиз руҳи тушгани йўқ. Кўпни кўлга беришиб, келажакка умид боғлаб меҳнат унуминини сусайтиришмапти. Бўлимизда бошқа давлат хўжалиқлари бўлимларига қараганда майдонини жиҳатидан кенг қишлоқлар бир мунча тарқоқ жойлашган.

448 Улуғ Ватан урушин қатнашчиси ва ногирон, 95 ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, 249 байналмиллик жангчилар, 24 черобилчинини райондаги хўжалиқлар, корхоналар ва муассасалар раҳбарлари оталиққа олишган.

1992 йил кам даромадли оилаларга «Меҳр-шафқат» фондидан 24 миң сўм пул тарқатилди. 72 нафар етим боланин ҳар бирига жамағарма банкидан жамағарма дафтартарсис очилди, 200 сўмдан пул ўтказилди. 50 автотроҳона маъмурияти эса 2 болани то 18 ёшга етгунча ўз боқимандасига олди.

«Осиё бозори»-2.

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари. ХОМИЙЛАР: Шароф Рашидов фонди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобил-созлик ионцерси, Ўзбекистон Республикаси миллий банки, «Ўзбекистон олтини» ишлаб чиқариш бир-лашмаси, «Турхистон» биржаси.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ. «Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўшмактарида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176. Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади. ВИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, 700083, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-54-14, 32-57-19. Ҳафтада 1 марта чиқади. Индекс 75487

